

МАВЗУ:

**ЭКИЛАДИГАН
МАЙДОНЛАРНИ
ЖОРИЙ ТЕКИСЛАШ
МАШИНАЛАРИ**

РЕЖА:

- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.
- Ер текислагич машиналарини вазифаси, синфлари ва уларга қўйиладиган агромеритив талаблар.
- Замонавий ер текислагичлар.
- Чўмичли ер текислагич машиналарининг тузилиши ва ишлаш асослари. Ютуқ-камчиликлари
- Иш жихозларини такомиллаштириш йўналишлари.

Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Мавзу: Ерларни суғоришга тайёрловчи замонавий машиналар. Синфи, тузилиши ва ишлаш жараёнлари. Чўмичли ер текислагичлар.

<i>Вақт: 2соат</i>	<i>Талабалар сони:15</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза
<i>Маъруза режаси/ ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1.Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ; 2. Ўзбекистон иқлим шароитида ишлатилаётган мелиорация машиналарига қўйиладиган талаблар ; 3. Лазер бошқарувли гидравлик тиркама ер текислагичлар .
Ўқув машғулоти мақсади: Мамлакатимизда қўлланилаётган замонавий мелиорация машиналари, Ўзбекистон иқлим шароитида қўлланилаётган мелиорация машиналарига қўйиладиган талаблар, суғориш машиналари ва жиҳозлари тўғрисида тушунчалар, ерларни капитал текислаш бўйича тушунчаларни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишга ундаш, фаоллигини ошириш	
Педагогик вазифалар: -Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда замонавий мелиорация машиналари ўрни ва моҳияти билан таништириш; - Мамлакатимизда иқлим шароитида қўлланилаётган мелиорация машиналарининг қўлланилиш соҳалари ундаги муаммоларни очиб бериш; - Сувтежамкор суғориш машина ва ускуналари; тўғрисидаги билимларни шакллантириш.	Ўқув фаолияти натижалари: - Замонавий мелиорация машиналари тўғрисида тушунчаларни билиб оладилар; - Иссиқ иқлим шароитида мелиорация машиналардан фойдаланиш бўйича ташкилий масалалар моҳиятини тушунтириб берадилар; - Ер текислаш машиналари иш жиҳозлари конструкцияларини такомиллаштиришнинг ташкилий усулларини ишлаб чиқадилар; - . Сувтежамкор суғориш машина ва ускуналари тўғрисида маълумотларни билиб оладилар.
Таълим усуллари	Маъруза,Инсерт, Б/Б/Б, тушунтириш, Кластер
Таълим шакли	Оммавий
Таълим воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар
Таълим бериш шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб Ёзма назорат: Б/Б/Б

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Тингловчи</i>
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа	1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларни тингловчиларга етказиш. Давлат дастури, фармон ва қарорлар асос сифатида мавзуга боғлиқлиги қисқача тушунтирилади. Замонавий мелиорация машиналарнинг сув хўжалиги соҳасидаги ўрни ҳақида маълумотлар. Қўлланилган интернет сайтлари, жиҳозлар, технологик хариталар тавсия этилади. Лазерли ер текислагичларнинг қўлланилиш соҳалари, ишлаш принциплари бўйича тушунчалар берилади.	Эшитадилар, ёзиб (конспект) оладилар. Тушунмаган жойлари бўйича саволлар берадилар.
2-босқич. Асосий 50 дақиқа	2.1. Мавзу бўйича таркатма материаллар, слайдлардан фойдаланилади, ундаги матнлардан фойдаланиш, кўчириб олиш, режа ва асосий тушунчалар билан танишиш таклиф этилади. 2.2. Слайдлар «Power Point» тартибида намойиш ва тушунтириш билан мавзу бўйича асосий назарий ва технологик ҳолатлар баён этилади. Ақлий – ҳужум усули орқали муаммоли вазиятдан чиқиш йўллари аниқлаб олади. Қизиқарли саволлар берилади. Мавзунинг ҳар бир жараёни бўйича хулосалар қиладилар; асосийларига эътибор берилади. Бериладиган маълумотлар конспектга қайд этилиши этилади.	Слайд материалларни ўқийдилар. Схемаларни чизадилар (кўчирадилар). Тинглайдилар. Саволлар берилади. Асосий тушунча, атама ва таърифлар муҳокама қилинади. Конспект ёзадилар (кўчирадилар).
3-босқич. Яқуний 15 дақиқа	3.1. Мавзу яқунланади, берилган ва ўтилган материаллар келгусида тингловчиларнинг касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги, муҳимлигига тингловчилар эътибори қаратилади. 3.2. Дарс моҳияти баҳоланади. 3.3. Мустақил иш ва очиқ маърузалар мавзулари белгилагани, топшириқ берилади ва уни баҳолаш мезонлари билан таништирилади.	Ўзини – ўзи, ўзаро баҳолаш ўтказилади. Савол берадилар. Топшириқни (саволларни) ёзадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 29 октябрдаги **ПФ-3932-сонли** фармонига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги **ПФ-4533-сонли** фармони ҳамда “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оғилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган мелиоратив тадбирларни амалга оширишга тизимли ва комплекс ёндашишни таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар бажарилди.

**Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси
маблағлари ҳисобидан 2013-2017 йилларда мелиоратив техникаларни лизинг
асосида етказиб бериш прогноз кўрсаткичлари**

№	Техниканинг номи	2013-2017 й. кўрсаткич- лари	Шу жумладан:				
			2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
1	Гидравлик экскаватор	303	55	66	66	60	56
2	Кичик экскаватор-бульдозер	13		13			
	Бульдозер	109	20	27	21	21	20
4	Автотягач тиркамали	13				7	6
5	Автосамосвал	99	20	22	19	19	19
6	Автомобиллик кран	58	12	12	12	11	11
7	Вагон-уйча	75	22	15	14	13	11
8	Бурғилаш агрегати (ётиқ)	1	1				
9	Пайвандлаш агрегати	74	24	13	13	13	11
10	Лазерли текислагич	6	2	1	1	1	1
11	Автобензовоз	27	9	6	6	3	3
12	Ўзиюрар ювиш агрегати	18	3	3	4	4	4
13	Трактор ТТЗ-80.10 тиркамали	10	6	2	2		
14	Автобетономешалка	13		7	6		
15	Бетонорастворный узел	14	14				
16	Безтраншейный дренажукладчик	3	1	1	1		
	Жами:	836	189	188	165	152	142

Суғориладиган далалар текисланганда тупроқнинг бир текис намиқиши учун яхши шароит юзага келади ва суғориш нормаси камаяди. Мелиорация қилинадиган ерларда текислашнинг икки тури: дастлабки (хомаки) ва асосий турлари қўлланилади. Дастлабки текислаш пайтида даланинг рельефи текисланади: дўнгликлар кесиб ташланади ва ўйдим-чуқурлар тўлдирилади. Бу иш бульдозерлар, грейдерлар ёки окреперлар билан бажарилади. Ернинг микрорельефини текислаш учун узун базали ва комбинацияланган текислагичлар ёрдамида асосий текислаш амалга оширилади. Дўнгликлар, ўйдим-чуқурлар, катта кесаклар бўлмаган текис далаларда фақат асосий текислаш ўтказилади. Бундай текислаш туфайли даланинг 30 см гача бўлган нотекисликларини йўқотиш мумкин.

Суғориб деҳқончилик қилинадиган ва захи қочириладиган районлардаги майдонлар юзасини текислаш ишлари мўлжалланган. Қишлоқ хўжалик ерларини текислаш қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланишнинг ва барқарор юқори ҳосил олишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Далаларнинг юзаси нотекис бўлса, донли экинлар ҳосилдорлиги 15-20%, сабзаёт экинлариники эса бундан ҳам кўп камаяди.



Текислагичлар I-II категориялардаги грунтларда қўлланилади.

ЕРЛАРНИ СУҒОРИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ МАШИНАЛАР

- **Сувни тежаш ва экиш майдонларини бир текисда суғорилишини таъминлаш учун суғориладиган майдонлар ниҳоятда текис бўлиши керак.**

Ерларни суғоришга тайёрлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади: дўнгликларни қирқиб олиб, пастликларга ташлаш; майдондаги майда кесакларни эзиш ва уларни зичлаш; дастлабки суғориш учун тупроқ уюмларидан пушталар ҳосил қилиш ва уларни ёйиш.

- ❖ **Маълумки, ер майдонларининг реълефи нотекис бўлиб, улар дўнглик ва чуқурликлардан иборат. Уларнинг ҳолати махсус хариталарда кўрсатилади. Эгри чизиқли шаклнинг ички томонига йўналтирилган чизиқ чуқурликни ташқи томонига йўналтирилган чизиқ эса дўнгликни ифодалайди.**





**Майдон релефини аниқловчи схема:
а-чуқурлик; б-дўнглик.**

Ерларни текислаш икки босқичда олиб борилади.

- Биринчиси дағал текислаш бўлиб, унда дўнгликларни чуқур жойларга суриш; агар суриш масофаси 100 м гача бўлса бульдозер, 100 м дан ортиқ бўлса скреперлар ёрдамида амалга оширилади.
- Иккинчи босқичда капитал текислаш жараёни амалга оширилади. Буткул (капитал) текислашда базаси кенгайтирилган бир ёки бир нечта махсус чўмичга эга бўлган машиналардан фойдаланилади.


ТЕКИСЛАШ ЖАРАЁНИДА МАШИНАЛАРНИНГ ХАРАКАТЛАНИШ СХЕМАЛАРИ



ЧЎМИЧЛИ ЕР ТЕКИСЛАГИЧЛАР

Ерларни буткул (капитал) текислашда махсус чўмичли базаси узайтирилган машиналар қўлланилади. Бу машиналарнинг иш жиҳози тракторга тиркама ёки ярим тиркама ҳолда уланади. Иш жиҳози, олд 1 ва орқа 4 ғилдиракларга ўрнатилган металл ферма 2 ва махсус чўмич 3 дан ташкил топган. Машинанинг ҳаракати давомида чўмич дўнглик D ни чуқурлик $Ч$ га суриб, текисланган майдон T ни ҳосил қилади. Базасининг яъни таянч ғилдираклари орасини узайтирилишига сабаб, улар орасига дўнглик ва чуқурликларни кўп миқдорда бўлишини таъминлашдир.

- Ғилдираклар орасидаги дўнглик ва чуқурлик кўп бўлиши майдон сиртини сифатли текислашга имкон беради.




Ер текислашнинг иш жараёни:

Ч-майдоннинг чуқурлик қисми; Д-майдоннинг дўнглик қисми; Т-текисланган майдон; 1-иш жиҳозининг олд ғилдираги; 2-ферма; 3-махсус чўмич; 4-иш жиҳозини орқа ғилдираги.


Махсус чўмич, баландиги 0,6–1,2 м, эни 2–5 м ва ҳажми 0,6...4,0 м³ дан иборат бўлиб, туби очик бўлади ва у фермага маҳкамланади. Базанинг узунлиги 5–15 м ораликни ташкил қилади. Махсус чўмич тубининг очик бўлиши, чўмич орқа деворининг пастки қисмига ўрнатилган грунт қирқувчи пичоқ ёрдамида қирқиб, тўпланган тупроқ, чуқур жойларда тушиб қолишига шароит яратади.

Узун базали текислагичлар






Мамлакатимизда ғилдираги базасининг узунлиги 12-15 м бўлган узун базали текислагичлар (П-4, П-2,8А, ДЗ-603, ПА-3) ишлаб чиқарилади. Уларда иш органи сифатида тубсиз ковшдан фойдаланилади, у алмашма пичоқ билан жиҳозланган асосий ағдаргичдан ва иккита ён деворлардан тузилган.

Узун базали П-4 текислагичи гидроюритма билан таъминланган Т-130 тракторига тиркаб ишлатилувчи қуролдир. Текислагич рама, ковш, олд ва кетинги юриш аравачалари ва гидросистемадан ташкил топган.





Узун базали ПА- 2,8А текислагичи;

1-трактор; 2-тақиш рамаси; 3- гидрорукувалар; 4- гидроцилиндр; 5-олд филдирак; 6-асосий рама; 7- текисловчи ағдаргич; 8- орқа филдирак.




Узун базали Д - 719 текислагичи;

1-трактор; 2-гидротизим; 3-гидротаянч; 4-олд филдирак; 5-асос рама; 6- юмшаткич; 7-текисловчи чўмич; 8-орқа ярим рама; 9-орқа филдирак.




Узун базали ПА – 3 текислагичи:

1-трактор; 2-тақиш жиҳози; 3-гидротизим; 4-асос рамаси; 5- текислагич(марзаларни текислагич); 6-мола; 7- орқа филдирак; 8- орқа рама.





Д-719-русумли базаси узайтирилган ер текислагич машинасини конструкцияси




Ер текислагичнинг иш жараёни:

**1-тортувчи рама; 2-олдинги ғилдирак; 3,4,11-
гидроцилиндрлар; 5-орқа ғилдирак; 6-орқа рама;
7-чўмич; 8-асосий рама; 9-юмшаткич;
10-боғловчи рама.**




**Д-719-русумли базаси узайтирилган ер текислагич
машинасини транспорт холати**



Ҳозирда замонавий универсал машиналар базасидаги иш жиҳозлари ярим тиркама ҳолда ўрнатилган ер текислагичлар самарали ишлатилмоқда.

Бу машиналарнинг базаси асосан қувватли ғилдиракли тракторлар ҳисобланиб, уларга ер текисловчи ускуна ярим тиркама ҳолда ўрнатилади. Шундай машиналардан бирининг умумий кўриниши қуйидаги слайдда келтирилган. Бунда машина базаси сифатида К-701 ёки К-702 тракторлари ишлатилади. Бу тракторлар универсал бўлиб, уларга турли иш жиҳозларни ўрнатиш мумкин. Трактор 1 ни орқа томонидаги махсус рама 5 га иш жиҳози ярим тиркама ҳолда ўрнатилади. Асосий рамага грунтни юмшатовчи 15 ва чўмичли 14 иш жиҳозлари ўрнатилган. Раманинг охирига қўзғалувчан қилиб, қўшимча рама ўрнатилган бўлиб, гидроцилиндр 10 орқали иш жиҳози ишчи ёки транспорт ҳолатига келтирилади.



Ярим тиркамали ер текислагич:


1-трактор; 2, 8, 10-гидроцилиндрлар; 3-ричаг; 4, 5 осма рамаси; 6-олдинги кронштейн; 7-асосий раманинг олдинги қисми; 9,11- боғланувчи нукталар; 12-раманинг орқа қисми; 13-орқа ғилдирак.

Мавсумли ер текисловчи машиналар

- Бу турдаги машиналар мавсумий бўлиб, ҳар йили ерларни экиш ва суғоришдан олдин бажариладиган ишлар режасига киради. Бу ишларга қуйидагилар киради;
- ерлардан фойдаланиш ва суғоришдан кейин ҳосил бўлган нотекисликларни тўғрилаш,
- ерларни юмшатиш, майда кесакларни эзиш ва уларни зичлаш, тупроқ уюмларидан эгатлар ҳосил қилиш.
- Бу машиналарнинг иш жиҳозлари бир ёки бир нечта отвалга эга бўлиб, улар машинанинг ҳаракат йўналишига перпендикуляр ёки маълум бурчак остида ўрнатилади. Отвал сирти тўғри ёки ёй шаклида бўлади.


Айрим иш жиҳозлари чўмич ёки грейдер шаклида бўлади. Грейдер шаклидаги иш жиҳозлари отвалининг турли томонга бурилиш имкониятидан фойдаланиб тупроқни ўнг ёки чап томонга суриш мумкин. Бунда отвални бурувчи винтли механизмни қўл кучи ёки бошқа механизация воситалари ёрдамида амалга оширилади. Чўмичли иш жиҳози эса дўнгликларни қирқиб, ундаги тупроқни чуқурликларга ташиб, ёйишга хизмат қилади.

Ғилдиракли трактор базасидаги ер текислаш машинасининг умумий кўриниши кейинги слайдда келтирилган. Трактор 1 нинг орқа қисмига иш жиҳози осма равишда ўрнатилган бўлиб, уни кўтариб, тушириш гидроцилиндр 2 ёрдамида амалга оширилади. Иш жиҳозининг рамасига отвал ёки чўмич шунингдек гидроцилиндрни улаш учун махсус қулоқ 3 маҳкам ўрнатилади




Ғилдиракли трактор базасыдағы ер текислагыч

1-трактор; 2-гидроцилиндр; 3-боғловчи қулоқ; 4-отвал.



Грейдер иш жиҳозли ер текислагич:


**1-ричаг; 2-асосий рама; 3-айланиш рамаси; 4-пружина;
5-отвал; 6-арқон; 7-гидроцилиндр; 8-чанғи; 9-устун.**



КЎП АҒДАРГИЧЛИ ЕР ТЕКИСЛАГИЧ:

**1-тортувчи рама; 2-олдинги ғилдирак; 3-ферма;
4-ўнг томонга оғдирилган отваллар; 5-чап
томонга оғдирилган отваллар; 6-асосий отвал;
7-гидроцилиндр; 8-орқа ғилдирак.**

Ер майдонлари капитал текислангандан сўнг, улар юмшатилади. Юмшатиш ерлардаги кесакларни майдалаб, зичлашда махсус молалардан фойдаланилади. Бу усулни қўллаш, тупроқ таркибидаги намликни сақлашга катта имкон беради. Мола, ёғоч ёки металл балкалардан тайёрланади. Айрим молалар махсус металллардан тайёрланиб, трактор 1 га ярим тиркама ҳолда уланади. Иш жараёнида ғилдирак 5 лар кўтарилиб, транспорт ҳолда эса улар тушириб қўйи-лади. Молани тортувчи тракторлар занжирли ёки ғилдиракли бўлиши мумкин.



Текисловчи мола:

- 1-трактор;
- 2-тортувчи рама;
- 3-балка; 4,8-ўнг ва чап корпуслар;
- 5-ғилдирак;
- 6-гидроцилиндр;
- 7-ўрта корпус.


ОТВАЛЛИ ЕР ТЕКИСЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлари	Мола Ли текис лагич	Грей дерли теки са гич	Бир отвал- ли текис- лагич	Кўп отвалли текислагич	
				осма	тирка ма
Қамраш кенглиги, м	6,0–6,5	2,8–4,0	2,8...8,0	5,0	3,2-5,0
Отвалнинг узунлиги, м	6,0–6,5	2,8–4,0	2,8–10,0	1,5–2,0	3,0-5,0
Қамраш бурчаги, град	90	60–90	6–90	45–90	45–90
Массаси, т	0,8–0,9	0,5–1,0	0,5–0,9	0,3	3,0-5,0

Тупроқдан уюмли эгатлар ҳосил қилувчи ва уларни ёювчи машиналар

Одатда ер майдонлари, унинг суғориш текислигини ҳисобга олиб хариталарга бўлинади. Бу хариталар тупроқ уюмидан ясалган эгатлардан иборат. Бу эгатлар махсус бир ёки қўш отвалли иш жиҳозига эга бўлган машиналар ёрдамида ҳосил қилинади.

Эгат баландлиги 0,6 м гача бўлганда қўш отвалли иш жиҳозига эга бўлган машиналардан фойдаланилади. Бу машинанинг умумий кўриниши қуйида келтирилган.




***Қўш отвалли эгат
қурувчи машина:***

**1-гидроцилиндр;
2-иш жиҳозининг
рамаси; 3-трактор;
4-отвал; 5-таянч
ғилдирак**

Иш жиҳозининг рамаси 3 га ўнг ва чап отваллар ўрнатилади. Отвал сирти ёйсимон бўлиб, бир учи парабола шакли билан тугайди, айнан шу учи эгат нишаблигини ҳосил қилади. Қирқиш чуқурлигини ушлаб туриш таянч ғилдираги 5 га юкланади. Иш жиҳозини кўтариб, тушириш гидроцилиндр 1 орқали амалга оширилади.

Эгат баландлиги 0,6 м дан юқори бўлганда махсус бир отвалли иш жиҳозига эга бўлган машиналардан фойдаланилади. (а,б-расм). Бунда машина олдин бир томонга юриб, тупроқларни қирқиб, уюмнинг бир қисмини, қайтишда эса тупроқ уюми-нинг иккинчи қисмини ҳосил қилади. Агарда икки машина биргаликда ҳаракатланса, бир ўтишда тўлиқ ҳажмдаги эгат ҳосил қилинади .(д-расм).



**Эгат ҳосил қилувчи
машиналар:**

- а). Т-4А трактор базасидаги БД-61 русумли машина;
- б). Т-330 трактор базасидаги ВД-121 русумли машина;
- д) Т-130.1.Г-1 трактор базасидаги ВД-101 русумли машина.




Эгат ҳосил қилувчи машиналарнинг техник таснифи

Кўрсаткичлари	Русумлари		
	ВД-61	ВД-101	ВД-121
Иш жиҳозини ўрнатиш	осма	осма	осма
Машина базаси	трактор Т-4А	трактор Т-130.1.Г-1	трактор Т-330
Иш унумдорлиги, м/соат	800	500	1345
Тупроқ уюмининг ўлчамлари, м:	0,6	0,9	1,2
асосининг эни	1,7	2,7	3,2
Откосининг нишаблиги	1:1,25	1:1,5	1:1,5
Транспорт тезлиги, км/соат	6,2	7,5	10,6
Қуввати, кВт	95,58	117,35	300
1000 м эгатни ҳосил қилишга кетган ёнилғи миқдори, кг	17,61	27,2	70
Иш жиҳозининг массаси, кг	1700	1080	7000

Ҳосил қилинган эгатларни албатта зичлаш талаб қилинади. Айрим эгат ҳосил қилувчи машиналарда бундай махсус шаклли иш жиҳозлари мавжуд.

Суғориш учун фойдаланилган эгатларни бузишда, яъни ёйиб, текислашда зарур ҳолларда бульдозерлардан ёки эгат ҳосил қилувчи машиналардан фойдаланилади. Бундан ташқари махсус машиналар ҳам мавжуд бўлиб, унинг орқа қисмига тупроқ-ни ёйиб, текисловчи иш жиҳози, олд қисмига эса бульдозерли иш жиҳози ўрнатилган бўлади. Трактор 1 нинг олд қисмига бульдозерли иш жиҳози ўрнатилган бўлиб, у эгат тупроғининг маълум қисмини қирқиб, унинг баландлигини пасайтиради. Тракторнинг орқа қисмига осма равишда ўрнатилган махсус иш жиҳозининг асосий рамаси 3 га тупроқни ёювчи қўш отвал 4 ва таянч ғилдираги 6 эса унинг рамаси 5 лар маҳкамланган. Иш жиҳозини кўтариб, тушириш гидроцилиндр 2 орқали амалга оширилади.




Эгатларни ёйиб, текисловчи

1-трактор; 2-гидроцилиндр; 3-иш жихозининг рамаси; 4-отвал; 5-таянч ғилдирагининг рамаси; 6-таянч ғилдираги.

Чет эл ва Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ер текислагичлар.

Кўрсаткичлари.	ВП-82	ВП-3,6	ПЛМ-4,6	ГН-2,8
Конструктив ўзига хослиги	Экиш олдида текисловчи	Капитал, жорий текисловчи		Грейдер текисловчи.
Асос, к Вт	4-5 трактори.	3-4 кл трактори.	5 кл трактори.	0,9-1,4 кл трактори.
Узунлиги,м	8-10	3,6	4	2,8
Ишчи тезлиги, км/с	6-10	7	9	-
Ишлаб чиқариш, иш унуми га/с	6-7,5	2,55	5,1	0,8
ходимлар сони.	1	1	1	1
Операциялар рўйхати.	Суғориладиган ерларни текислаш.	Бурилиш йўлакларини бурчакларини ва бошқа ноқулай жойларни экишдан олдинги текислаш.		
Ишлаб чиқарувчи ташкилоти.	Пахтачилик маш бўйича ГСКБ	ЦНИИМ ЭСХ Минск	Бел. НИИМ ва Л Минск	Пахтачилик маш бўйича ГСКБ



Чет элларда ишлаб чиқарилган автоматик бошқариладиган ер текислагичлар



* ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЕР ТЕКИСЛАГИЧЛАР







ПА-3,0 русумли ер текислагични техник иш унумдорлиги.

$$P_T = 0,1 \cdot \frac{B \cdot v}{Z} \quad ; \quad \text{га/соат}$$

бу ерда; B -қамраш эни, м.

v -ишчи тезлик, км/соат.

Z -бир жойдан ўтишлар сони, $Z=2...3$ марта.

Ер текислагични ўтишлар сони уни ер текислаш қобилияти бўйича ҳам аниқланиши мумкин.

$$A = \frac{h_1}{h}$$

бу ерда: h ; h_1 -ер текислагични бир марта ўтгандан кейин олдинги ва кейинги нотекисликларни баландлиги.

А-текислагични текислаш қобилияти.

$$A = \frac{1}{\sqrt{1 + (1 - \alpha)^2 - 2(1 - \alpha) \cdot \cos \mu \cdot l}}$$

бу ерда: $\alpha = \frac{l}{L}$; м. $\mu = \frac{\pi}{l^1}$; м.

бу ерда: l – текислагичнинг орқа ўқидан чўмич
пичоғига бўлган масофа.

$l = 4 \dots 5$ м. ёки $(0,2 \dots 0,5) L$. $L = 12,0$ м.

l^1 -нотекисликларни узунлиги.

**БУ КЎРСАТКИЧ ИККИТА БИР-БИРИГА ЯҚИН БЎЛГАН
НОТЕКИСЛИК ЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФА СИФАТИДА
ҚАРАЛАДИ.**

**НОТЕКИСЛИКЛАР УЗУНЛИГИ ҚАНЧА КАМ БЎЛСА
ТЕКИСЛАШ ҚОБИЛИЯТИ (А) ШУНЧА ЮҚОРИ БЎЛАДИ.**

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ.

